

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАР ВА
УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ****Етмишбоев Мухторжон Маъмуржон ўғли**

Ички Ишлар Вазирлиги Академияси

Жанговар ва жисмоний тайёргарлик кафедраси ўқитувчиси.

Ўзбекистон, Тошкент шаҳри

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7574900>

Аннотация. Ушбу мақолада ички ишлар органлари фаолиятидаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари ёритилган. Жамият ҳаётидаги криминоген вазиятни, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятларнинг барвақт олдини олиш бўйича мавжуд муаммолар ва камчиликларни аниқлаш масаласига катта аҳамият талаб этилади.

Калит сўзлар: ички ишлар органлари, жисмоний ва юридик шахс, ҳимоя ордери, оила-турмуш муносабатлари.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилиши, ички ишлар органлари фаолитининг муҳим омили сифатида хизмат қилади.

Президентимиз таъкидлаганидек, «Агар давлат таянадиган асосий устун қонун бўлса, унинг кучини амалда намоён этадиган энг самарали тизим бу – ички ишлар соҳаси, десак, айна ҳақиқат бўлади» [1].

Ҳуқуқбузарлик жамият ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи ижтимоий-ҳуқуқий ва руҳий ҳодиса бўлиб, бугунги кунда уларни олидини олиш жиноятчиликка қарши курашишда бош йўналишга айланди.

Юртимизда ҳуқуқбузарлик, қонун бузилиш ҳолатлари, жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бунда, жумладан, жамият ҳаётидаги криминоген вазиятни, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятларнинг барвақт олдини олиш бўйича мавжуд муаммолар ва камчиликларни аниқлаш масаласи катта аҳамият касб этади.

Кейинги даврда бу соҳадаги ишларни янада такомиллаштириш зарурати юзага келди. Президентимизнинг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли Фармонида [2] асосий эътибор ички ишлар органларининг фаолиятини сифат жиҳатдан янада яхшилаш, бу йўналишдаги мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш йўналишлари, ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг соҳада амалга оширилган ишлар бўйича ҳисобдорлиги тартиби белгилаб берилган.

2020 йил 6 ойи якуни бўйича жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ички ишлар органлари соҳавий вакиллари амалга оширилган тизимли ишлар натижасида умумий жиноятларнинг 20497 таси ёки 95,2 фоизи фoш этилган. Тергов органлари қидирувида бўлган 1051 нафар шахс

ушланган ва 261 нафар бедарак йўқолганлар топилган. Ички ишлар органлари ташаббуси билан 4158 та жиноят аниқланган. Республикадаги жами 9145 та маҳалланинг 66,3 фоизда жиноят содир этилишига йўл қўйилмаган[3].

Шу билан бирга, ўтказилган ўрганишлар ички ишлар органлари фаолиятида муайян камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар ва тўлиқ фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, соҳавий хизмат вакиллари ўртасида жиноятларни иссиқ изисидан очишда республика, ўрта ва қуйи бўғиндаги бўлинмалар ўртасида асосий вазифа ва функциялар аниқ тақсимланмаганлиги, ҳар бир ходимнинг фаолияти устувор йўналишларини ва ишнинг пировард натижаси учун шахсий жавобгарлиги белгиланган бўлсада айрим хизмат раҳбарлари томонидан ўз фаолиятларига масъулиятсизликларча ёндашаётганлиги асосий камчиликлардан биридир.

Бундан ташқари, ички ишлар органларида қуйи ходимларидан тортиб юқори турувчи мансабдор шахсларгача хали хануз аҳоли билан тўғри мулоқоти йўлга қўйилмаган, фуқаролар билан муомала маданияти пастлигича қолмоқда.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқиш жараёнида ортиқча оворагарчиликларга йўл қийилмоқда, бу эса фуқароларнинг норозилигини келтириб чиқармоқда.

Бундай муаммоларни бартараф этиш учун замонавий хавф-хатар ва таҳдидларни, бажарилаётган ишлар муҳимлиги ва кўламини эътиборга олган ҳолда ички ишлар органлари барча даражадаги бўлинмаларининг вазифа ва функцияларини аниқ белгилаш ҳамда тақсимлаш, ташкилий-штат тузилмасини мақбуллаштириш, куч ва воситалардан оқилона фойдаланиш лозим.

Шиддат билан ривожланиб бораётган давр талаблари ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданияти, муомаласини юксалтириб бориш, уларни қабул қилинаётган қонун ҳужжатларидан хабардорлик даражасини ошириш, улар томонидан янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалда қўллаш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Оилалардаги нотинчлик, низоларнинг ўз вақтида ҳал этилмаслиги, маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчиликнинг эътиборидан четда қолганлиги оқибатида 2020 йил якунига келиб юртимизда ўта оғир жиноятлар содир этилиши хануз ички ишлар органлари фаолиятидаги долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Жумладан, 2020 йилнинг 6 ойи давомида қайд этилган қотиллик жиноятларнинг ҳар учинчиси (71 таси, 35%), оғир тан жароҳати етказиш жиноятларининг 76 таси (20,5%) оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилган[3].

Шу билан бирга, оилавий низоларга ўз вақтида барҳам берилмаганлиги оқибатида 5940 та оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликлар содир этилиб, уларнинг аксарияти яъни 52,6 фоизи (3123 таси) Тошкент, Бухоро, Навоий ва Фарғона вилоятлари ҳиссасига тўғри келади[4].

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрда «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг[5] қабул қилиниши, юртимизда сўнги икки йил мобайнида хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-

қувватлаш, уларни тазйиқ ҳамда зўравонликнинг ҳар қандай шаклларида ҳимоя қилиш, хотин-қизларга нисбатан бўладиган турли хил камситишларни олдини олиш, шунингдек, уларни қўллаб-қувватлаш, тазйиқ ва зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, оила-турмуш доирасида тазйиққа учраган хотин-қизларнинг 2776 нафарига «ҳимоя ордери» берилди. Шунга кўра, ички ишлар органлари ходимлари томонидан олиб борилаётган ишлар етарли даражада бўлмаётганлиги оила-турмуш доирасида тазйиққа учраган хотин-қизларнинг сонини камайтаётганлигини билдиради. Таҳлиллар натижасига кўра, тазйиққа учраган хотин-қизлар билан олиб борилган ишлар ўз самарасини етарлича бермаётганининг сабаби, республикада хотин-қизлар билан ишлайдиган ички ишлар органлари ходимлари етишмаслиги. Улар томонидан олиб борилган профилактик чора-тадбирлар хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилинишини имкон қадар таъминлайди ва келгусида ўз самарасини бериши мумкин.

Ёшлар билан ишлашда ҳануз кўплаб муаммолар сақланиб қолаётганлиги, уларни бартараф этишга етарли даражада эътибор қаратилмаганлиги оқибатида 2020 йилнинг 6 ойида республикада қайд этилган ҳар тўртинчи жиноят (4988 та ёки 23,2%) ёшлар томонидан содир этилган. Буларнинг асосий сабабларидан бири бу ёшларнинг иш билан банд бўлмаганлигидир. Юқорида таъкидлаб ўтилган жиноятларнинг 1315 таси ёки 6 фоизи иш билан банд бўлмаган ёшлар томонидан содир этилганлиги фикримизнинг исботидир.

Шундай экан, ички ишлар органларини халқ манфаатларига хизмат қиладиган ижтимоий тузилмага айлантириш, ички ишлар органлари жазоловчи, назорат қилувчи органдан халқ, жамият, давлат ва фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қиладиган, жамоатчилик билан яқин ҳамкорликда жиноятчиликка қарши курашадиган ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширадиган, фуқаролар ишонадиган ҳақиқий давлат органига айланиши керак.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ички ишлар органларига йуллаган байрам табриги. <https://uza.uz/uz/posts/ichki-ishlar-organlari-khodimlari-va-fakhriylariga>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли Фармони // <https://lex.uz/ru/docs/4494709>.
3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири П.Бобожоновнинг Олий Мажлис Сенатининг олтинчи ялпи мажлис кун тартиби доирасида Ички ишлар вазирининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2020 йил 6 ойи якуни бўйича жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳолати тўғрисидаги ахбороти.
4. http://old.uza.uz/uz/society/zbekiston-respublikasi-oliy-mazhlisi-senatining-oltinchi-yal-07-08-2020?sphrase_id=27157267.

5. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрьда «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни// <https://lex.uz/ru/docs/4494709>.